

ХОНАДОНЛАРДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ ТАКТИКАСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ж.Маматқулов

ИИБ Академияси Магистратураси тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Магистрлик диссертациясида хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларни фош этиш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот иши амалга оширилди. Бу борада, айниқса, ички ишлар органлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш, соҳани бошқаришни ахборот, моддий-техник ҳамда методик жиҳатдан таъминлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни жорий этишга қаратилган таклифлар аҳамиятли ҳисобланади.

Хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларни фош этиш тактикасини такомиллаштиришда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг бошқа соҳавий хизматлар, жамоатчилик билан ҳамкорлиги ҳамда магистрлик диссертация ишининг натижаси сифатида фаолиятни ташкил этишда мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш борасида илмий ва амалий жиҳатдан асослантилган таклиф ва тавсиялар берилган.

ABSTRACT

The master's thesis included research work aimed at improving the organization and tactics of solving crimes committed in apartments. In this regard, proposals aimed at the correct and effective organization of the activities of internal affairs bodies, information support, material, technical and methodological management of the industry, and the introduction of innovative projects are of particular importance.

As a result of the master's thesis, existing problems and shortcomings were identified in organizing the activities of operational units of internal affairs bodies in organizing the detection of crimes committed in apartments, as well as interaction with other industry services and the public, proposals and recommendations for their elimination were scientifically and practically substantiated.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил 22 июнда қабул қилинган Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очик-ойдин кўрсатилган.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим

ўринда туради". Шу маънода БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда "Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойили асосида амалга оширилмоқда¹.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи томонидан ратификация қилинган, ижро этувчи орган ва унинг таркибидаги вазирлик томонидан тасдиқланган айрим ҳужжатларни мисол қилиш мумкин. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: “ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгаллиги”(17-м)²; жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунида ҳамкорликнинг йўналиши сифатида тезкор-қидирув фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ҳал этишга қаратилган турли жиноят турига қарши курашишда иштирокчи давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиниши белгиланган бўлиб, ушбу жиноятлар рўйхатида мулкка қарши жиноятларнинг назарда тутилгани жуда муҳим ҳисобланиб, хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги “Ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири сифатида мол-мулкка қарши кураш, жиноятчиларни, тергов ва суддан, жазо муддатини ўташдан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш (1-м); тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга дахлдор бўлган шахслар тўғрисидаги оператив-қидирув, оператив-маълумотнома ва криминалистик ахборот ҳужжатларини, шунингдек архив маълумотларини бири-бирига юбориб туриш; оператив-қидирув тадбирларини ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш (2-м);³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Украина Ҳукумати ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири сифатида мулкка қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорликнинг шакли сифатида тайёрланаётган ёхуд содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамда ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотувчи ахборотлар алмашлаш; тезкор-

¹ <https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-inson-huquqlari-sohasidagi-xalqaro-mazhburiyatlariga-sodiq-qoladi>.

² Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти: 27.11.2022).

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим (1992 йил 24 апрель, Олмаота) (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 24 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти: 28.11.2022).

қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш(3-м);⁴ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия федерацияси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири мулкига қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорлик шаклларида бири тайёрланган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ҳамда юридик шахслар ва ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш; жиний-қидирувдан ёки жазони ўташдан бекиниб юрган шахсларни ушлаш (3-м); Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Грузия Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири сифатида шахснинг мулкига қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорлик шаклларида бири сифатида тайёрланган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ҳамда юридик шахслар ва ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш; жиний-қидирувдан ёки жазони ўташдан бекиниб юрган шахсларни яширинган жойини аниқлаш (3-м);⁵ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси Ҳукумати билан “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида”ги келишувда мулкка ва мулкий турдаги жиноятларга қарши курашиш (3-м);⁶ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда шахснинг мулкига қарши жиноятлар (2-м); тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ва юридик шахслар, ташкилотлар тўғрисида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш; жиний таъқибдан ёки жазони ўташдан қочиб юрганларни ушлаш (3-м);⁷ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка

⁴Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Украина ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1995 йил 20 июнь, Тошкент. 1995 йил 20 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>(мурожаат вақти:28.11.2022).

⁵Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1995 йил 27 июль, Тошкент. 1995 йил 27 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>(мурожаат вақти:28.11.2022).

⁶Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Грузия Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1995 йил 4 сентябрь, Тошкент. 1995 йил 4 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:29.11.2022).

⁷Соглашение между правительством Республики Узбекистан и правительством федеративной Республики Германия о сотрудничестве в борьбе с организованной преступностью, терроризмом и другими преступлениями, представляющими повышенную опасность (Бонн16 ноября 1995 года. Узбекистан 3 ноября 1997 года) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти:29.11.2022).

қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда уюшган жиноятчилик (2-м); жиноятларни очиш, уларнинг олдини олиш ва текширишга асқотиши мумкин бўлган ахборотларни алмашиш (3-м);⁸ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этишга кўмаклашадиган ахборотни алмашиш; тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш тўғрисида сўровларни бажариш (3-м);⁹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда кишининг мулкига қарши жиноятлар (2-м); тайёрланаётган ёки амалга оширилган жиноятлар ҳамда уларга дахлдор жисмоний ва юридик шахслар ҳамда ташкилотлар тўғрисида қизиқиш уйғотувчи маълумотларни алмашиш; оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш; жиноий таъқибдан ёки жазони ўташдан яшириниб юрган шахсларни қидириш (3-м);¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Республикаси Федерал Ҳукумати ўртасидаги “Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигига катта хавф туғдирувчи жиноятни баргараф қилиш мақсадида ахборот алмашиш; уюшган гуруҳлар томонидан жиноятларни содир этиш усуллари, уларнинг таркиби, тузилиши, фаолият доираси ва жиноий алоқалари (3-м);¹¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Молдова Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда кишининг мулкига қарши жиноятлар (2-м); тайёрланаётган ёки амалга оширилган жиноятлар ҳамда уларга дахлдор жисмоний ва юридик шахслар ҳамда ташкилотлар тўғрисида қизиқиш уйғотувчи маълумотларни алмашиш; оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш; жиноий таъқибдан ёки жазони ўташдан яшириниб юрган шахсларни қидириш (3-м);¹² Ўзбекистон Республикаси

⁸Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1998 йил 30 октябрь, Тошкент. 2005 йил 14 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 29.11.2022).;

⁹Соглашение об обмене информацией в сфере борьбы с преступностью (Астана, 22 мая 2009 года вступило в силу 28 апреля 2011 года) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 29.11.2022).

¹⁰Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Болгария Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1999 йил 7 май, Тошкент. 1999 йил 26 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 30.11.2022).

¹¹Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2000 йил 25 июль, Боку. 2001 йил 9 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 30.11.2022).

¹²Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1999 йил 9 июль, Тошкент. 2000 йил 4 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 30.11.2022).

Ҳукумати билан Қувайт давлати Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда уюшган жиноятчилик (2-м); жиноятнинг олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ва фош этишга ёрдам бериши мумкин бўлган ахборотни алмашиш (3-м);¹³ Ўзбекистон Республикаси бош Прокуратураси ва Қирғиз Республикаси бош Прокуратураси ўртасида “Ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда мулкка қарши жиноятлар (1-м); тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисида топшириқларни бажариш; жиноий таъқибдан ва жазони ўташдан яширинган шахсларнинг қидирувини ташкил этиш (2-м);¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири шахснинг мулкига қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорлик шаклларида бири тайёрланган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ҳамда юридик шахслар ва ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш; жиноий-қидирувдан ёки жазони ўташдан бекиниб юрган шахсларни ушлаш (3-м);¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорлик йўналишидан бири иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (2-м); жиноятлар олдини олиш, аниқлаш, фош этиш ва тергов қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган ахборот билан алмашилиши; тезкор-қидирув тадбирлари тўғрисидаги сўровни бажарилиши (3-м); Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида “Терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек бошқа жиноятларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда мулкка қарши жиноятлар (2-м); жиноятларни содир этишнинг усуллари ҳамда уларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича чоралар тўғрисида маълумот алмашиш (3-м);¹⁶ Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг “Жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”ги келишувда мулккий турдаги жиноятларга қарши курашиш

¹³Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Австрия Республикаси федерал ҳукумати ўртасида ҳавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2001 йил 2 ноябрь, Тошкент 2002 йил 18 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 01.12.2022).

¹⁴Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Молдова Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2000 йил 19 декабрь, Кишинёв. 2001 йил 15 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 01.12.2022).

¹⁵Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қувайт давлати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2004 йил 19 январь, Ал-Қувайт. 2007 йил 29 августдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 01.12.2022).

¹⁶Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Беларусь Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (2008 йил 19 июнь, Минск. 2008 йил 24 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 02.12.2022).

(3-м);¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорлик йўналишидан бири иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (2-м); жиноятлар олдини олиш, аниқлаш, фош этиш ва тергов қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган ахборот билан алмашилиш; тезкор-қидирув тадбирлари тўғрисидаги сўровни бажарилиши (3-м); Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида “Ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда мулкка қарши қаратилган жиноятлар (2-м); тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳамда уларга дахлдор бўлган шахслар тўғрисидаги қизиқтирган маълумотларни алмашиш; прокурор (суд) санкцияси талаб этилмайдиган тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш тўғрисида сўровларни ижро этиш; жинойий таъқибдан яширинаётган ёки жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш (3-м)¹⁸ каби қоидаларнинг баён этилгани уй-жойдан содир этилган ўғирликка қарши курашишда тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жинойий жазодан бўйин товлаётган шахсларни қидиришда халқаро ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларга биноан қидирув ишлари амалга оширилади. Хусусан, ушбу халқаро ҳужжатларнинг мазмунида: “шахсларни давлатлараро қидируви чора-тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш, қидирувда бўлган шахслар тўғрисида тезкор-қидирув, тезкор-маълумот, криминалистик ва бошқа маълумотлар алмашиш; мувофиқлаштирилган тезкор-қидирув фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун томонлар вакиллари уларнинг ваколатли органлари билан келишилган ҳолда хизмат сафарларига жўнатиш;¹⁹ аҳдлашувчи томонни қонунларига кўра камида бир йил озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган, ушлаб беришни тақозо этадиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши; шахсни ушлаб беришни бир неча давлат талаб қилса, қайси давлатга ушлаб беришни сўралаётган давлатни ўзи ҳал қилиши каби нормаларнинг белгилангани хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятини

¹⁷Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркменистон ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2009 йил 25 февраль, Тошкент 2009 йил 20 ноябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (мурожаат вақти: 02.12.2022).

¹⁸.Соглашениео сотрудничестве между правительствами государств – членов Шанхайской организации сотрудничества в борьбе с преступностью(Ташкент, 11 июня 2010 года. Вступило в силу с 11 января 2012 года)// Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (мурожаат вақти: 02.12.2022).

¹⁹Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (2008 йил 17 март, Абу Даби) (2012 йил 23 мартдан кучга кирган)// Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (мурожаат вақти: 03.12.2022).

содир этган шахслар давлатлараро ва халқаро қидирувда юрганида мазкур ҳужжатлар талабларига биноан ҳамкорликда уларни ушлаш чоралари кўрилади.

Мазкур халқаро халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинганда 1) мулкӣ турдаги жиноятларнинг бир тури сифатида хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашиш масаласи ушбу халқаро ҳужжатларнинг нормалари билан тартибга солингани; 2) хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашишда тайёрланган ёки содир этилган ушбу жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ва юридик шахслар, ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; 3) тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш; 4) уй-жойдан ўғирлик содир этиб қидирувда юрган, жазони ўташдан яшириниб юрган шахсларни ушлаш ва экстрадиция қилишда ҳамкорлик қилиш лозимлиги ҳақида умумий хулосага келинди.

Ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятида белгиланган талаблар асосида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Тезкор-қидирув департаменти тасарруфидаги тезкор бўлинмаларнинг тезкор ходимлари ўзаро ҳамкорликда хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятини содир этган шахсларнинг давлатларо ва халқаро қидирувини амалга ошириш, шунингдек, талон-торож қилинган далилий ашёларни тезкор-излов гуруҳлари ёрдамида излаб топиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлари тизимли равишда ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «г» банди(уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса) бўйича: ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш ўғирлик деб ҳуқуқий баҳоланади. Уй-жойдан содир этилган ўғирлик 3 турга бўлиниб, мазкур қилмиш ижтимоий хавфлилик даражасига кўра (унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир даражадаги уй-жойдан содир этилган ўғирликка ажратилган) таснифланган.²⁰

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жами 50 та (36, 38¹, 39¹, 39², 48, 81, 87, 95¹, 135, 136, 137, 139, 140, 141, 162, 172, 174, 180, 182, 183, 187, 187², 213, 218, 219, 222, 225, 320¹, 320², 321, 322, 328, 329, 331, 333, 334, 336, 338, 345, 355, 364, 367, 381⁵, 381⁹, 382, 587, 588, 589, 590, 591)²¹ нормаларни мазмунида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор бўлинмаларнинг хонадонларда содир этилган ўғирлик юзасидан маълум функцияларни бажарилишига, шу жумладан, ваколати мансабдор шахсларнинг

²⁰Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 06.12.2022).

²¹Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 06.12.2022).

тезкор бўлинмаларга ёзма топшириқ бериши, ариза ва шикоят юзасидан терговга қадар текширув ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш; далилларни тўплаш ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, тезкор ходимнинг ваколати доирасида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари (ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш) ва тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишда эътиборга молик масалалар, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш, тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини ваколатли субъектларга тақдим этиш тартиби, назорат қилувчи давлат органининг тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ваколатлари, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаси тезкор ходимларидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар билан ҳамкорликда хонадрларда содир этилган ўғирликни фош этиш, қидирув ишларини амалга оширишда масъулият билан ёндошган ҳолда тергов ва процессуал ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилиши ҳақидаги қоидалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (3, 4, 5, 6-боблари)²²га биноан амалга холнадонларда содир этиладиган ўғирлик жиноятларини барвақт олдини олишда умумий, махсус, яққа, виктимологик профилактик тадбирлар амалга оширилиб, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари Миллий Гвардия, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 18, 20, 24, 25, 26, 27, 28¹-моддалари)²³га биноан хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашда ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Сўнгги 6 йилда ички ишлар органлари тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон “Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан ҳамда ички ишлар

²²Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 06.12.2022).

²³Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 06.12.2022).

органлари жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидирув ишини самарали амалга оширишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги асосий йўналишлар ва муҳим вазифалар белгиланиб, мазкур амалий ҳаракатлар хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашиш билан шуғулланувчи ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимларнинг штат бирлигини мустаҳкамланишига эътибор қаратилганидан далолат беради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик вазисмоний шахсларнинг мол-мулкани хонадонларда хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари ҳақида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши натижасида икки томон (давлат ва шахс) учун долзарб масалага жиддий эътибор қаратиш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи кафотлатланиши таъминланишига эришиш;

иккинчидан, ИИВнинг “Хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашишда аҳоли орасида Ички ишлар, Миллий гвардия органлари, Курилиш ва Маҳалла вазирлиги ҳамда Кадастр агентлигининг юридик ва жисмоний шахсларнинг хонадонларида мол-мулкани ҳимоя қилишнинг чора-тадбирларини белгилаш ҳақидаги қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунида юқорида таъкидлаб ўтилган мутассади агентлик ва вазиликлар томонидан амалга ошириладиган самарали чора-тадбирларнинг механизмларини аниқ белгилаб бериш лозим;

учинчидан, ички ишлар органлари тизимида хонадонларда содир этиладиган ўғирлик жиноятларига қарши курашиш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ИИВнинг “Хонадонларда содир этилган ўғирлик жиноятларини фош этишга қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳақида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғини тайёрлаб, мазкур жиноятга қарши курашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, юридик ва жисмоний шахслар хонадонларида бўлган мол-мулканинг хавфсизлик чорсини кўрмаганида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида юридик ва жисмоний шахсларнинг хонадонларидаги мол-мулкани хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгарликни белгилаш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, хонадонларда содир этиладиган ўғирликка қарши курашишда ҳуқуқий асосларининг пухта механизмлари ишлаб чиқилса, мазкур турдаги жиноятлар камайишига эришилади.

**Магистратура “ташкилий-тактик”
бошқаруви тингловчиси
подполковник**

Ж.М.Маматқулов